

А Ж Р И М

(ярашганлик муносабати билан жиноят ишини тугатиш тўғрисида)

2026 йил март ойининг 25 куни, жиноят ишлари бўйича Чуст тумани суди ўз идора биносида, очиқ суд мажлисида, раислик қилувчи туман судининг судьяси Ш.Валиева, судья ёрдамчиси Ш.Махаммадалиевнинг котиблигида, тарафлардан Чуст тумани прокурори ёрдамчиси С.Қурбанова, судланувчи Ш.Турсуналиев, жабрланувчи А.Маруповнинг қонуний вакили К.Махмудовларнинг иштирокида,

Турсуналиев Шаҳзодбек Шуҳратжон ўғли, (Tursunaliyev Shahzodbek Shuhratjon o'g'li) 1999 йил 08 март куни Чуст туманида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта, оилали, 2 нафар фарзанди бор, мавсумий ишчи, муқаддам судланмаган, Чуст тумани, “Шербилак” МФЙ, Истиқлол кўчаси, 05-уйда яшайди, муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақида тилхат эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов далолатномаси нухасини 25.02.2026 йил куни олган,

Ўзбекистон Республикаси ЖК 266-моддасининг 1-қисми билан айбланганга нисбатан 1-1611-2602/92-сонли жиноят ишини кўриб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И :

Турсуналиев Шаҳзодбек Шуҳратжон ўғли 2025 йилнинг 31 декабрь куни соат 18:00 ларда ўзига тегишли бўлган “Ваз 2101” русумли, 25 X 289 ВА давлат рақам белгили автомашинасини тегишли хужжатлар билан Чуст тумани Пансада МФЙдан ўтган автомобиль йўлида бошқариб бориб, амалдаги “Йўл ҳаракати қоидалари”нинг 4-бандида “Йўл ҳаракати қатнашчилари бошқа йўл ҳаракати қатнашчиларининг ҳаракатланишига хавф туғдирмасликлари керак.”, 11-бандида “Транспорт воситасининг ҳайдовчиси қуйидагиларга мажбурдир: ҳаракатланиш жараёнида пиёдалар, айниқса, болалар, ногиронлар, қарияларга ва велосипедчиларга нисбатан эҳтиёткорлик чораларини кўриши” 77-бандида “Ҳайдовчи ҳаракатланиш серқатновлигини, транспорт воситасининг ва юкнинг хусусияти ҳамда ҳолатини, йўл ва об-ҳаво шароитини, шунингдек, ҳаракатланиш йўналишидаги кўринишини ҳисобга олиб транспорт воситасини белгиланган тезликдан оширмаган ҳолда хавфсизликни таъминловчи тезлик билан бошқариш керак; тезлик ҳайдовчига ушбу Қоида талабларини бажариш учун транспорт воситаларнинг ҳаракатланишини доимий назорат қилиб бориши керак; Ҳайдовчи транспорт воситасини бошқариш вақтида аниқлай олиши мумкин бўлган хавф юзага келса, у транспорт



воситаси тезлигини тўлиқ тўхтатишни таъминлайдиган даражада камайтириши ёки тўсиқни бошқа ҳаракат иштирокчилари учун хавф туғдирмаган ҳолда айланиб ўтиш чораларини кўриш керак”- деб кўрсатилган талабларини қўпол равишда бузиб, ҳаракат хавфсизлигини таъминлай олмасдан, бошқарувни йўқотиши натижасида йўлнинг ўзига нисбатан қарама-қарши томонига яъни ўнг томонидан чап томонига ўтаётган вояга етмаган фуқаро 06.04.2009 йилда туғилган Марупов Азизбек Комилжон ўғлини бошқарувида бўлган автомашинасининг чап томон олд қисми билан уриб юбориб, вояга етмаган А.Маруповнинг оғир тан жароҳати олишига сабабчи бўлган йўл транспорт ҳодисаси содир этган.

Суд-тиббий экспертизанинг 07.01.2026 йилдаги 26/7-сонли хулосасида А.Марупов баданида топилган жароҳатлари бош мия ёпиқ шикасти, бош мия чайқалиши, чап сон суяги ўрта 1/3 қисмидан синиши, ўнг ва чап кўл кафт шилинмалари жароҳати бўлиб оғирлик даражасига кўра умумий меҳнат қобилиятини салмоқли қисми яъни учдан бирдан кўпроғини турғун йўқотилишига олиб келувчи оғир тана шикасти эканлиги кўрсатилган.

Дастлабки тергов органи томонидан Ш.Турсуналиев ўзининг юқоридаги ғайриқонуний ҳаракати билан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 266-моддасининг 1-қисмида кўрсатилган жиноятни содир этганликда айбланиб, жиноят иши судда кўриш учун юборилган.

Жабрланувчининг қонуний вакили К.Махмудов суд муҳокамасида ариза билан мурожаат қилиб, судланувчи Ш.Турсуналиев томонидан содир этилган автоҳалокат натижасида вояга етмаган фарзанди А.Марупов тан жароҳати олиб, шифохонада даволаниб чиққанлиги, ҳозирда судланувчи ундан кечирим сўраб, етказилган зарарни тўлиқ қоплагани, судланувчи билан ўзаро ихтиёрий ярашиб олишгани, Ш.Турсуналиевга нисбатан ҳеч қандай даъвоси йўқлиги, суд томонидан ЖПКнинг 583-моддасидаги ярашув оқибатлари тўлиқ тушунтирилгани, судланувчи билан ўзаро ихтиёрий ярашиб олишгани сабабли унга нисбатан юритилган жиноят ишини ярашув тартибида тугатишни сўради.

Судланувчи Ш.Турсуналиев суд муҳокамасида ариза билан мурожаат қилиб, содир этган автоҳалокат натижасида, вояга етмаган А.Марупов тан жароҳати олганлиги, шифохонада даволаниб чиққанлиги, ҳозирда етказилган зарарни тўлиқ қоплагани, жабрланувчи ва унинг қонуний вакили уни кечириб, ўзаро ихтиёрий ярашиб олишгани, айбига иқрор ва қилган ишидан чин кўнгилдан пушаймонлиги суд томонидан ЖПКнинг 583-моддасидаги ярашув оқибатлари тўлиқ тушунтирилгани, ярашувга ихтиёрий рози бўлганлиги сабабли жиноят ишини ярашув тартибида тугатишни сўради.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 66¹-моддасида Жиноят кодекси 266-моддасининг 1-қисмида назарда тутилган



жиноятни содир этган шахс, агар ўз айбига иқрор бўлиб, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймон бўлиб, етказилган зарарни бартараф этиб, жабрланувчи билан ярашса, жиноят ишини ярашув тартибида тугатиб, жиний жавобгарликдан озод этилиши мумкинлиги кўрсатилган.

Суд, жабрланувчининг қонуний вакили К.Махмудов ва судланувчи Ш.Турсуналиевнинг ярашув тўғрисидаги аризаларини жиноят иши хужжатлари билан ўрганиб чиқиб, давлат айбловчиси С.Қурбанованинг жиноят ишини ярашганлик муносабати билан тугатиш ҳақидаги фикрини, судланувчи Ш.Турсуналиевнинг айбига ихтиёрий иқрорлигини ва тарафларга етказилган зарарни тўлиқ қоплаганлигини, жабрланувчининг қонуний вакилига бирон-бир тазйиқ бўлмаганлигини, ярашув судланувчи ва жабрланувчи ҳамда жабрланувчини қонуний вакилининг хоҳишларига кўра бўлаётганлигини, Ўзбекистон Республикаси ЖК 266-моддасининг 1-қисмида назарда тутилган жиноят ЖКнинг 66¹-моддасига мувофиқ, ярашувга тушишини эътиборга олиб, Ш.Турсуналиевга нисбатан юритилган жиноят ишини ярашганлик муносабати билан тугатишни;

- унга қўлланилган муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақида тилхат эҳтиёт чорасини ҳукм қонуний кучга киргач бекор қилишни лозим топади.

Суд, юқоридагиларга ҳамда Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 84-моддасининг 4-қисми, 585-586-моддаларига асосланиб,

А Ж Р И М Қ И Л А Д И:

Турсуналиев Шаҳзодбек Шуҳратжон ўғли, (Tursunaliev Shahzodbek Shuhratjon o'g'li)га Ўзбекистон Республикаси ЖК 266-моддасининг 1-қисми билан юритилган жиноят иши тарафларнинг ярашганлиги муносабати билан тугатилсин.

Ш.Турсуналиевга қўлланилган муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақида тилхат эҳтиёт чораси ҳукм қонуний кучга киргач бекор қилинсин.

Ажримдан норози тараф ажрим эълон қилинган кундан, судланувчи, жабрланувчининг қонуний вакили ажрим нусхасини олган кундан эътиборан ўн сутка ичида апелляция тартибида, ажрим қонуний кучга киргач кассация тартибида шу суд орқали, Наманган вилоят суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатига шикоят бериш ёки протест билдиришга ҳақлидирлар.

Раислик қилувчи:

Ш.Валиева

